



Received: April 27, 2021
Accepted: June 5, 2021
Available online: June 25, 2021

Нилуфар Маматкулова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
ўқитувчиси
Тошкент, Ўзбекистон

ХОРИЖИЙ ТИЛ ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ

АННОТАЦИЯ

Мазкур тадқиқот-мақоланинг мақсади – тилга ихтисослаштирилган ОТМ талабаларининг хорижий тил лексик компетенцияларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантириш имкониятларини тадқиқ қилишдир.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида таълим мазмуни ва ўқув методлар таъминотини ривожлантириш, таълим технологиялари, назоратнинг объективлигини, шахсга йўналтирилган ёндашув ва замонавий ўқитиш методларининг узвийлигини таъминлаш, илғор тажрибаларга асосланган малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак чет тили ўқитувчиларининг хорижий тил компетенцияларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантириш, ахборот таълим технологияларида хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Педагогик тажриба-синов ишлари тилга ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларида: Термиз давлат университети (ТерДУ), Жиззах давлат педагогика институти (ЖизДПИ) ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ) хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) бакалавриат йўналишининг 1- ва 2- босқичлари бўйича ишлаб чиқилган тил аспектлари амалиёти фани коммуникатив лексика модулига

Nilufar Mamatkulova

Teacher, Uzbekistan State World
Languages University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: mamatkulovanilu@mail.ru

LEARNER-CENTERED APPROACH IN DEVELOPING A FOREIGN LANGUAGE LEXICAL COMPETENCE

ANNOTATION

The purpose of this research article is to explore the possibility of developing foreign language lexical competencies of students of higher educational institutions specialized in studying languages on the basis of a learner-centered approach.

All over the world, at educational and research institutions scientific research has been carried out on the development of educational content and teaching methods, educational technologies, objectivity of control, learner-centered approach and continuity of modern teaching methods, training of qualified specialists based on the best practices. At the same time, special attention is paid to the development of foreign language competencies of future foreign language teachers on the basis of a learner-centered approach, improving the system of training foreign language teachers in information educational technologies.

Pedagogical experiment was carried out at three higher educational institutions: Termez State University (TerSU), Jizzakh State Pedagogical Institute (JizDPI), and Uzbekistan State World Languages University (UzSWLU) with the 1st and 2nd year of the bachelor faculties, in language aspects communicative lexical module and was applied at practical lessons on the basis of an experimental program. A total of 463 students of foreign languages and literature (English) faculty at higher educational institutions: 177 students of TerSU, 179 students of JDPI, 107 students of UzSWLU took part in the experiment.

оид тажриба-синов дастури асосида амалий дарсларда татбиқ қилинди. ОТМлардаги 5111400 – хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналишининг жами 463 та талабаси: ТерДУ талабаларидан 177 нафар, ЖДПИ талабаларидан 179 нафар, ЎзДЖТУ талабаларидан 107 нафари тажриба-синовда иштирок этди. Тадқиқотда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва юртимиздаги тилга ихтисослаштирилган ОТМларда талабаларнинг тил ўрганиш жараёнидаги ёндашуви ҳақида маълумот тўплашга мўлжалланган сўровномадан фойдаланилди. Сўровнома бутун гуруҳлардаги талабаларнинг қай даражада автоном, мустақил таълим кўникмаларини ривожлантирганлигига ва ўз-ўзини танқидий баҳолай олиш кўникмаларининг шаклланилиши ҳисобини аниқлашга ёрдам берди. Сўровнома орқали тўпланган ўртача кўрсаткичлар инференциал статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинди. Тажриба гуруҳидаги талабалар ўқув йили давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган дарс ишланмаларидан фойдаландилар. Тадқиқот натижаларига кўра тажриба-синовнинг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлиллардан маълум бўлди.

Калит сўзлар: лексик компетенция, мустақил таълим кўникмалари, шахсга йўналтирилган ёндашув, стратегия, лексикон, сўз харитаси, контекст.

КИРИШ

Ҳозирги кунда тадқиқотчилар тил компетенцияларини ўрганиш мобайнида фонетик, грамматик ва лексик компетенцияларни ривожлантириш ва юксалтиришнинг турли жиҳатларини таҳлил қилиб келмоқдалар. XX аср охири XXI аср бошларига келиб олимлар ҳам, ўқитувчилар ҳам сўз бойлиги мулоқотда биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, тил ўрганувчилар сўз бойлиги миқдорининг коммуникатив компетенцияда катта аҳамиятга эга эканлигини тан олганликларни яққолроқ номоён бўлди [Bogaards, 2001].

Лексик компетенцияга ва лексиконга [<https://uz.wiktionary.org/wiki/leksikon>га] кўра: маълум бир кишининг сўз ва иборалари захираси; бирор ижтимоий қатлам ёки муайян фаолият соҳасига мансуб умумистеъмолдаги сўзлар захираси) турли манбалар қуйидагича изоҳ беради: Тил билишнинг умумевропа компетенциялари доирасига кўра лексик компетенция деганда “тилнинг лексик

The study used a questionnaire developed by the author to collect information about the approach of students to the process of a language learning at universities in Uzbekistan. The survey helped to determine the extent to which students in all groups developed autonomous, independent learning skills and the formation of self-critical assessment skills. The averages collected through the survey were analyzed using inferential statistical methods. Students in the experimental group used lesson plans developed by the author during the academic year. According to the results of the study, the statistical analysis showed that the experimental work carried out to determine the level of effectiveness of the experiment was productive.

Key words: lexical competence, independent learning skills, learner-centered approach, strategy, lexicon, word map, context.

ва грамматик элементлардан ташкил топган сўз бойлигини билиш ва улардан фойдаланиш қобилияти” тушунилади [Общеввропейские компетенции..., 2003; 42]. “Лексик компетенция, бу – бирор тилдаги сўзларни тушуниш ва тақдим эта олиш қобилиятидир. Лексик компетенция ҳам лингвистик, ҳам коммуникатив компетенциянинг аспекти ҳисобланади” [Richard N., 2019].

Celce-Murcia ва Freeman (1999) лексиконни ақлий мулк ва сўзларни самарали ҳосил қилиш жараёни деб изоҳлайдилар ва у нафақат сўзни, балки сўз бирикмалари ва кўп сўзли ибораларни ҳам ўз ичига олади, деб таъкидлайдилар.

Турли даражадаги тил бирликлари нутқ фаолиятида ягона тизим элементлари сифатида ишлатилиши ҳисобга олинса, сўз мулоқат жараёнида энг фаол бирликдир ва нутқнинг турли функцияларини яъни нутқ хабарини яратиш ва қабул қилишни амалга ошириш имкониятига эга. Лексик бирликлар семантикаси мавзуларнинг грамматик шакллари фикрларни шакллантириш учун керакли бўлган таркиб билан тўлдириш имконини беради. Грамматикадан фарқли равишда, лексиканинг сўзлар синфлари ўртасидаги боғлиқликни намойиш этишда хусусий характерни ифодалаши, уни индивидуаллаштириши, бошқача айтганда, ўзига хос маъно билан таъминлаши таъкидланган [Коллективная монография под редакцией академика РАО А.А. Миролюбова; 165].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Сўзни билиш ёки сўз бойлиги бу нима? Сўзни билиш бу ҳамма нарса дегани эмас, бу мураккаб концепциядир. Янги сўзни ўрганишда энг асосийси сўзнинг маъноси ва шаклига эътибор қаратиш кераклиги тавсия қилинади. Сўзнинг маъноси деганда нафақат унинг изоҳига, балки, у сўз билан одатда боғлиқ бўлган сўзларни, сўзнинг коннотациялари, услуби ва маданий хослигини ҳам ўрганиш кераклиги таъкидлаб ўтилади [Thornbury S., 2002; 15]. Ушбу соҳа мутахассисларидан Неги ва Скот таъкидлаганларидек, сўзни билиш деганда, сўз ҳақида бир қанча маълумотни билишни, яъни сўзнинг адабий маъносини, ҳар хил коннотацияларини, тўғри ёзилиши ва келиб чиқишини, тўғри талаффузи кабиларни билиш назарда тутилади [Nagy & Scott, 2000]. Масалан, талаба write – ёзмок феълини билса, демак, унинг ўтган замон шакли wrote, ўтган замон сифатдош шакли written эканлигини w харфи талаффуз қилинмаслигини ҳам билиб олади. Шунингдек, тил ўрганувчи write – ёзмок феъли турли хил ёрдамчи феъллар билан қачон ва қандай қилиб ишлатилиши, writing шакли ҳозирги замон давомийлигини кўрсатса, баъзи ҳолатларда от вазифасини бажариши мумкинлигини билади.

Ж.Жалолов келтиришича, ҳозирги замон ҳинд-европа тилларида лексика ярим миллионга яқин сўздан ташкил топади ва хорижий тилни ўрганувчиларнинг мулоқот қила олишлари учун 400–500 та сўз керак бўлади, маълумотли одам 3000–5000 та сўздан оғзаки ва ёзма нутқда, тинглаб тушуниш, ўқишда эса унга қараганда кўпроқ сўзни билади [Жалолов Ж., 2012; 146]. С.Сорнбери (S.Thornbury) маълумотли инсон ўз она тилида 20 000 тача сўзни билса, тилдан хорижий тил сифатида фойдаланувчиларга мулоқот учун тахминан 2000 сўз

керак бўлади, деб ҳисоблайди. Бу, инсон она тилида бир кунлик мулоқотда ишлатиладиган сўз ва яна луғатларда сўз бойлигини аниқлаш миқдори, инглиз тилидаги энг фаол фойдаланиладиган сўзлар миқдори ҳамдир. Бундан ташқари, бир қанча тадқиқотчилар мулоқат учун 3000 та сўз керак деб баҳслашса, бошқалари 5000 та сўз ўрганишни тавсия қилишни таъкидлайдилар [Thornbury S., 2002; 20-21].

Тил билишнинг умумевропа компетенциялари доирасида (CEFR) тил билишнинг турли даражаларида шахс қанча миқдорда сўз билиши кераклиги <http://polydog.org/index.php?threads/the-cefr-scale-and-language-level.26/> да тасниф қилинган (1.1-жадвалга қаранг).

1.1-жадвал.

Тил билишнинг умумевропа компетенциялари доирасида (CEFR) Тил билиш даражаси		Билиш керак бўлган сўзлар миқдори (Актив сўзлар)	Билиш керак бўлган сўзлар миқдори (Пассив сўзлар)
Тилдан бошланғич фойдаланувчи (Basic user)	A1	300 (уч юз)	600 (олти юз)
	A2	600 (олти юз)	1200 (бир минг икки юз)
Тилдан мустақил фойдаланувчи (Independent user)	B1	1200 (бир минг икки юз)	2500 (икки минг беш юз)
	B2	2500 (икки минг беш юз)	5000 (беш минг)
Тилдан тажрибали фойдаланувчи (Proficient user)	C1	5000 (беш минг)	10000 (ўн минг)
	C2	10000 (ўн минг)	20000 (йигирма минг)

Бошқа манбада келтирилишича, тил билишнинг турли даражаларида шахс қанча миқдорда сўз билиши кераклигининг ўртача миқдори қуйидагича таснифланган [Bartosz Cz., 2019] (1.2-жадвалга қаранг).

1.2-жадвал.

Тил билиш даражаси		Билиш керак бўлган сўзлар миқдори
Тилдан бошланғич фойдаланувчи (Basic user)	A1	500 (беш юз)
	A2	1000 (бир минг)
Тилдан мустақил фойдаланувчи (Independent user)	B1	2000 (икки минг)
	B2	4000 (тўрт минг)
Тилдан тажрибали фойдаланувчи (Proficient user)	C1	8000 (саккиз минг)
	C2	16000 (ўн олти минг)

Шу ўринда: бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларининг сўз бойлиги қанча сўз/тил бирликларидан ташкил топиш керак, деган савол туғилади. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларидаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” (124-сон 08.05.2013)га кўра, тилга ихтисослаштирилган ОТМ талабаларининг Умумевропа халқаро стандарти

бўйича C1 (чет тилини ўрганишнинг эркин мулоқат даражаси) даражасини эгаллашлари белгилаб қўйилган, яъни бундан келиб чиқиб, уларнинг 7500-8000 та атрофида сўз билиши назарда тутилади.

Хорижий тилни ўрганишда янги сўзларни узоқ муддатга, самарали ўрганиш ва эслаб қолиш йўллари С.Сорнбери томонидан ёритиб берилган. “Янги сўзни ўқитиб бўлмайди. Уни тақдим этиш мумкин, тушунтириш мумкин, бошқа бирор-бир машқ қилиш мумкин... аммо пировардида шахс хоҳласагина ўрганилади. Ўқитувчиларнинг вазифаси тил ўрганувчиларда сўзга нисбатан қизиқиш уйғотишдир. Биз ўқитувчилар талабаларга қандай ўрганиш ҳақидаги фикрлар билан ёрдам беришимиз мумкин, бироқ ҳар бирининг шахсий танлови бор”, – дея Вилга Риверснинг (Wilga Rivers) фикрларидан иқтибос келтиради [Thornbury S., 2002; 144]. Дарҳақиқат, бу жуда тўғри айтилган фикрдир. Куйида муваффақиятли талабалар стратегиялардан фойдаланиб, янги сўзларни қандай ўрганишлари таҳлилига эътибор қаратамиз:

- авваламбор, улар сўзларнинг шаклига, яъни сўзларнинг таркибий қисмига, уларнинг ёзилишига, талаффузига ва сўз урғусига эътибор берадилар;
- бундан ташқари, сўзнинг маъноси, яъни маъно жиҳатидан ўхшаш ёки ҳар хиллигига, сўзнинг коннотацияларига, услубига ва сўзларнинг ассоциацияларига эътибор берадилар;
- улар яхши тахмин қила олиш кўникмасига эга, нотаниш сўзларнинг маъноларини шаклидан ва контекстдан келиб чиқиб аниқлай оладилар;
- хато қилишдан қўрқмайдилар, шунинг учун ҳам тилни муваффақиятли ўргана оладилар;
- улар ўзларининг ўрганиш ва ўзлаштириш усуллари (луғатлардан фойдаланиш, эслаб қолиш техникаларидан фойдаланиш) қандай ташкил қилишни биладилар. Охирги стратегия талабаларда мустақил ўргана олиш кўникмаси яхши ривожланганлигидан далолат беради. Шунга қарамасдан, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб туриш мақсадга мувофиқдир [Thornbury S., 2002; 145].

Лотфи Газал баён қилишича, шахсга йўналтирилган ёндашув орқали талабаларга янги сўзларни ўрганишда стратегияларни қўллашни ўргатиш уларнинг мустақил таълим кўникмаларини ривожлантиради. Бу эса талабаларда ўз-ўзини бошқариш, ўрганишда маъсулиятни ўз зиммасига олишни ўргатибгина қолмай, ўзига ишонч, малака ва талаб иштирокини ҳам ошириб боради. Гу ва Жонсон (Gu and Johnson) хорижий тилда янги сўзларни ўрганишда фойдаланиладиган стратегияларни метакогнитив (матнни тушуниш учун қайси сўзлар муҳимлиги ва уларни танлай олиш стратегиялари), когнитив (сўзнинг маъносини тахмин қила олиш, луғатдан моҳирона фойдалана билиш, ноут-тейкинг каби стратегиялар), хотира (такрорлаш ва кодлаш стратегиялари, яъни кодлаш деганда, сўз ассоциациялари, сўз тасвири, визуал ва сўзнинг тузилиши кабилар) ва фаоллаштириш (янги сўзларни ҳар хил контекстларда қўллаш) турларига бўлади [Lotfi Gh., 2007].

Ҳопкинс ва Николнинг муҳокамаларига кўра, ОТМларда янги мавзунини ўрганишда талабалар ўз соҳалари терминологиясини, шунингдек, академик

мақсадларда тилни ўзлаштириши керак. Одатда, улар ушбу сўз бойлигини ўз мавзусини ўқиш ёки тинглаш орқали амалга оширади, ammo янги атамалар тўғридан-тўғри тақдим этилиши ва тушунтирилиши мумкин; инглиз тилини ўқитишда дарсликларда анъанавий равишда янги луғат кўпинча рўйхат шаклида бўшлиқни тўлдириш (gap-filling) ёки мос келадиган сўзларни танлаш (matching) каби машқларда тақдим этилади. Ушбу сўз бойлигининг эса қилиши талабаларнинг янги лексикани ўраб турган жумлалар ёки матн билан шуғулланишига боғлиқ; агар мавзу ўқувчига қизиқ ёки тушунарли бўлмаса, сўзлар осонгина унутилиши мумкин. Агар талабалар ўрганган сўзларини ва ушбу сўзлар пайдо бўлган контекстни танлаш имкониятига эга бўлсалар, бу сўзларни яхшироқ эслаб қилиш имконини беради [Hopkyns S. & Nicoll T., 2013]

Жонсон ва Расмуссеннинг таъкидлашича, сўз бойлигини самарали ўқитишнинг олти хусусияти бор: биринчиси – талабалар сўзнинг турли хил контекстдаги бир нечта маънолари билан таъминланишилозим; иккинчиси – сўзларни ҳикоя, мавзу ёки унга алоқадор бўлган контент соҳа бирлиги доирасида ўргатиш керак; учинчиси – ўқитувчилар талабалар янги сўзлар ўрганаётганида олдинги билимларини фаоллаштиришга ёрдам беришлари керак; тўртинчиси – талабалар янги сўзлар ва ўзлари биладиган сўзлар ёки тушунчалар ўртасидаги боғлиқликни ҳис қилишлари лозим; бешинчиси – талабаларни сўз ҳақидаги билимларини ошириш учун луғатлар ва контекстан фойдаланишга ўргатиш керак; олтинчиси – ўқувчиларга сўзлар ёрдамида алоқада бўлишни (мулоқот қилишни) ўргатиш керак [Johnson & Rasmussen, 1998].

Бир қатор олимлар ва тадқиқотчилар [Riddell D. (2010), Thonbury S. (2002), Akar N. (2010), Harmer J. (2007), Ur P. (2009)] томонидан талаба ва тил ўрганувчиларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга янги сўзларни ўрганишнинг самарали ва амалий усулларини ўргатиш тавсия қилинади. Жумладан, янги сўзларни ўзлаштиришда мнемоникадан фойдаланишдир. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида мнемоника қуйидагича тарифланади: “Мнемоника (юнонча мнемоника – эслаб қилиш санъати) – сунъий ассоциациялар ҳосил қилиш йўли билан эса олиб қилишни осонлаштирувчи ва хотира ҳажмини кенгайтирувчи усуллар тизими”. Визуал элементларга эга ва тил ўрганувчининг ўзи томонидан яратилган (бошқа бировдан олинмаган) мнемоникалар энг эффектив саналади. Лексикани ўрганишда калит сўзлар техникаси мнемоникаси озроқ вақт ва билим талаб этишига қарамасдан, олимлар томонидан олиб борилган изланишларда энг самарали деб топилган. Масалан, одатда ўрганилаётган тилдаги сўзнинг талаффузини талаба ўз она тилида сўз маъноси билан боғлайдиган тасвирни ўйлаб топиши керак бўлади. Тадқиқотчи Ё.Юнусова баён қилишича, чет тили дарсларида мнемоника техникасидан фойдаланиш талабалар ғайратини ошириб, талабанинг мустақил таълим кўникмаларини ривожлантиради. Шу қаторда, талабалар хотираси яхшиланади [Yunusova, 2019].

Яна бир самарали усул бу сўз карталари (word cards) яъни картанинг бир томони хорижий тилдаги янги сўзни бошқа томони эса сўзнинг изоҳи ёки

таржимасини (расмини, тил ўрганишининг бошланғич даражасида) ўз ичига олади. Лексик компетенцияни ривожлантиришда сўз карталари олиб юришга қулайлиги ва ҳар доим талаба ёнида эканлиги ва унда ҳоҳлаган пайти сўзларни такрорлаш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади. Тез-тез такрорлаб туриш учун қийинроқ сўзларни ҳамиша карталар тўплами бошида сақлаш, кетма-кетликдаги жойи эвазига сўзни эслай олишдан қочиш мақсадада вақти-вақти билан сўз карталарини аралаштириб туриш тавсия этилади [Thornbury S., 2002; 146].

Riddell D (2010), Thornbury S (2002), Akar N (2010), Harmer J (2007), Ur P (2009) каби соҳа мутахассисларидан бир қанчаси янги сўзларни контекстда ўқитишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритадилар. Шунингдек, Л.Сиегал ҳам хорижий тилда янги сўзларни шахсга йўналтирилган ёндашув орқали ўқитишнинг фойдали жиҳатларини очиб беради. Унга кўра, янги сўзлар алоҳида эмас, балки контекстда ўқитилиши керак. Бу сўзларни яхшироқ эслаб қолишга ва тушунишга имкон беради. Бундан ташқари, ўринли, аҳамиятга эга бўлган сўзлар ўқитилиши кераклиги таъкидланади. Агар ўқитувчилар талабаларнинг кундалик ҳаётида тез-тез такрорланиб турадиган сўз бирикмаларига эътибор қаратмаса, у қисқа муддатли хотирада сақланиб, тез орада унутилади. Шунинг учун талабалар ҳаёти билан боғлиқ бўлган ва уларнинг аудиториядан ташқаридаги ҳаётида осонликча қўллаши мумкин бўлган сўз бойлигини танлаш мақсадга мувофиқдир [Lorena S.].

B. Henriksen янги сўзлар маъноларини контекстан тахмин қилишда талабаларга ёрдам берадиган бир нечта усулларни келтириб ўтади: сўзларга таъриф ёки изоҳ бериш орқали (are/is known as, are/is described as, are/is defined as); жумлани қайта тузиш, яъни қийин сўзларни бошқа сўзлар ёки сўз бирикмалари орқали ифодалаш (in other words, that is, and that is to say); мисол ва намуналардан фойдаланиб (such as, like, for example, for instance); таққослаш орқали, фарқларини кўрсатиб (but, even enough, yet, in spite of); сўзнинг ўхшашлик жиҳатлари орқали (similarly, just as, in the same way) ва бошқалар [Henriksen B., 1999].

Хорижий тилдаги луғатни эслаб қолишга ёрдам берадиган баъзи маслаҳатлар <https://learnenglishteenso.org/exams/grammar-and-vocabulary-exams/tips-remember-words> сайтида қуйидагича келтирилган: тартибга солинган луғат дафтарига эга бўлиш; янги сўзларни 24 соатдан, бир ҳафтадан ва бир ойдан кейин яна такрорлаб туриш; кўп ўқиш, сўз қанчалик кўп кўрилса, эслаш шунчалик осон бўлади; янги сўзлардан фойдаланиш. Ёдда қолиш учун ҳар бир сўзни тахминан ўн марта ишлатиш; сўз жумбоқлари ва кроссвордлар, анаграммалар ва сўзларни қидириш каби ўйинларни бажариш; сўз карталарини яратиш ва уларни доимий – автобусда ёки дўстларни кутаётганда ўрганиб туриш; дўстлар билан биргаликда сўзларни ўрганиш (бошқа одам билан ўрганиш қизиқроқ ва осонроқ бўлиши мумкин); луғатдан қандай фойдаланишни, луғатдаги сўзнинг ёнида қандай маълумотлар мавжудлигини, луғатнинг турларини билиш; кунига саккизга яқин янги сўзни ўрганиш кабилар.

Ж.Жалолов лексикани ўқитиш учун лексикани танлашда “танлаш


манбаи”, “танлаш мезонлари”, “танлаш бирлиги” каби тушунчаларни ёритиб беради. Муаллифга кўра танлаш манбаи деганда, шаклланаётган лексик минимумни тил системасидан танлаб олиш тушунилади ва актив – фаол минимум бадий асарлардаги жуфт нутқдан ёки сўзлашув – адабий нутқнинг ёзилган фонаграммасидан танланади. Пассив нофаол луғат эса ёзма адабиётдан олинган парчалардан танлаб олинади. Танлаш мезонларига янги сўзлар қийматини аниқлашда қўлланадиган ўлчов ва кўрсаткичлар, яъни буларга ҳисоб-китоб мезонлари (кўп қўлланиш ва кенг тарқалганлик мезонлари), методик (ўқитиш мақсади ва нутқ мавзуларини мўлжаллаб қўлланадиган мезонлар) ва тилшунослик мезонларини (сўзларнинг бирикиши, сўз яшаш имконияти, кўп маънолилиқ, услуб жиҳатидан чегараланмаганлик, синонимларни чегаралаш, ва гап тузишдаги иштироки) бир-бири билан боғланган ҳолда қўлланилиши келтириб ўтилади. Бундан ташқари, Ж.Жалолов бир соатлик дарс жараёни учун кўпи билан саккизтача лексик бирлик ўқитишни, агар грамматик мавзу ўзлаштирилаётган бўлса, янги лексик бирлик бермаслигини ёки кам миқдорда берилишини тавсия этади [Жалолов Ж., 2012; 152].

М. Кюмингс янги сўзларни ўқитишда кўпгина тадқиқотчилар томонидан тавсия этилган семантик хариталаш стратегиясининг аҳамиятини келтириб ўтади. Семантик хариталашда жумлалардан фойдаланиш, яъни контекстни тўғри танлашни таъкидлайди. Яна бошқа бир семантик хариталаш стратегияси бу – “сўзларни бир қаторда сафлаш”дир. Бу стратегияда тил ўрганувчиларга янги сўзларни тушунишида ёки таниш сўзлар ҳақида маълумотларни кенгайтиришга ёрдам бериш учун сўзлар интенсивлик тартибида жойлаштирилади. Масалан, *runy* (кучсиз) → *frail* (нимжон) → *weak* (заиф) → *sturdy* (кучли) → *strong* (қудратли). Бундан ташқари, семантикадан фойдаланишда янги сўзларни – бирорта мавзуга тегишли сўзлар ва тушунчалар харитасини тузиш орқали тасвирлашни тавсия қилади [Cummings M.J.].

Lisa Van Gemert томонидан ҳам янги сўзларни ўқитишда семантик хариталаш муҳокама қилинган. Жумладан, семантик хариталар янги сўзларни ўқитишда визуал стратегиядир. “Семантик”, бу – “тилдаги маъно билан боғлиқ” деган мазмунни англатади, шунинг учун ҳам семантик харита моҳиятан боғлиқ сўзларни боғлайдиган “харита”дир. Семантик хариталашда сўзлар номига, ҳаракати ва бошқа хусусиятларига кўра тоифаларга бўлинади. Семантик хариталарни қоғозда ёки рақамли (*digital*) тарзда шакллантириш мумкин. Семантик хариталар индивидуал, кичик гуруҳларда ёки бутун синф билан биргаликда яратилиши мумкин. Семантик хариталар динамикдир. Талабалар ўзларининг хариталарига қўшимча маълумот олишлари ва кўпроқ сўзларни йиғишлари билан қўшишлари мумкин. https://vocabularyluau.com/wp-content/uploads/2020/04/Semantic_Map_1.png да “Ҳукумат” (*Government*) мавзуси семантик харита мисолида келтирилади. Оч яшил рангдагилар қонун чиқарувчи (*legislative*), яшил рангдагилар ижро этувчи (*executive*) ва кўк рангда суд ҳуқуқ

(judicial) тизимига оид сўзлар келтирилган (1.3-жадвалга қаранг).

1.3-жадвал.



Янги сўзларни ўқитишдаги ушбу бу стратегиялардан фойдаланишдан асосий мақсад – талабаларни тил ўрганишда ўқитувчиларга қарам бўлмай, мустақил бўлишга ўргатишдир. Методистлар Ҳакин ва Коади эса хорижий тилни ўрганишда сўзни тасодифий ўзлаштириш стратегиясини тавсия қиладилар. Бунда талабалар янги сўзларни маънога йўналтирилган коммуникатив фаолиятнинг қўшимча маҳсули сифатида, яъни ўзаро мулоқат қилиш, ўқиш, тинглаш орқали ўрганади. Бунда талабалар сўз бойлигини интенсив ўқиш ёки оммавий ахборот воситаларини тинглаш, филмлар кўриш орқали ривожлантириш имкониятига эгадирлар. Сўзни тасодифий ўзлаштириш стратегиясининг афзалликлари куйидагича таҳлил қилинади:

- сўзни тасодифий ўзлаштириш контекстлаштирилган ва талабаларга сўзлардан фойдаланишнинг бой маъноларини ва яна улар ифодалаши мумкин бўлган маъноларни тақдим этади;

- фақатгина сўз бойлигини ривожлантириб қолмасдан, бир вақтнинг ўзида ўқиш кўникмаларини ҳам машқ қилиш орқали шакллантириш имконини беради;

- у шахсга йўналтирилган, чунки талабалар ўрганадиган янги сўзлар ўзлари танлаган ўқиш материалларига боғлиқ, улар танлаш имконига эга;

- лексик ривожланиш, сўзларни тақдим этиш, уларни ўрганиб мустаҳкамлаш бир пайтда содир бўлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, сўзни тасодифий ўзлаштириш стратегияси бир нечта камчиликлардан ҳам мустосно эмас, яъни асосий луғатни ўрганишда индивидуаллаш-тирилганлиги боис фойдали бўлмаслиги мумкин ҳамда бунда талабалар нимани ўрганаётганликларини назорат қилиш осон эмас ёки

сўзларни нотўғри тахмин қилиш оқибатида сўздан нотўғри фойдаланишга олиб келиши мумкин. Албатта, ўқитувчиларнинг бу ҳолатларни эътибордан четда қолдирмасликлари мақсадга мувофиқ [Thomas H. & James C., 1999].

Э. Экмекчи ва И. Яманнинг фикрича, сўз бойлигини ўрганиш ва ўқитишга алоқадор тадқиқотларнинг кўпайиши билан янги усуллар, стратегиялар ва методлар пайдо бўлди. Ушбу стратегияларнинг баъзилари контекст ёрдамида маънони тахмин қилиш, мнемоник воситалар, луғат дафтарлар ишлаб чиқиш, сўзларнинг келиб чиқиши ва таркибий таҳлилларини ўргатиш, семантик хариталаш кабиларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, лексик компетенцияни шахсга йўналтирилган ёндашув орқали ривожлантиришда ахборот технологияларининг улкан ҳиссасини ҳам эътироф этадилар. Сўзларни онлайн дастурлар ёрдамида мустақил ўрганишга талабаларнинг муносабатлари таҳлилий ўрганилганда, талабалар ижобий муносабати устунлик қилади, шунингдек, сўзларни онлайн ўрганишнинг энг яхши жиҳати, бу – талаба ўз ўрганиш тезлиги ва вақтидан келиб чиқиб ишлаши, яъни мослашувчанлигидир. Бунга қўшимча равишда, машқлар хилма-хиллиги, кўرғазмали воситалар, мавзулаштирилган машқлар ва сўзлар талаффузининг камраб олинганлигини сўзларни онлайн дастурлар орқали ўрганишнинг фойдали хусусиятлари сифатида кўрсатиб ўтадилар [Ekmekçi E., Yaman I., 2014].

Тадқиқотчи Садиа Яссер Али ўз тадқиқотида талабалар сўз бойлигини шахсга йўналтирилган ёндашув орқали ривожлантиришнинг қатор самарали машқларини муҳокама қилади. Унга кўра, бу жараён тўрт босқичда амалга оширилади ва яхши натижалар беради. Бутун машқлар жуда фойдали бўлгани сабабли жуда кўп вақт талаб қилмайди ва талабаларнинг нафақат натижадан, балки уларнинг шахсий луғатлари, аудиторияга олиб келадиган сўзлари билан ҳам қизиқишлари ошиб боради. Талабалар ташаббуси билан сўз бирикмаларини яратиш машқлари ўқувчилар зиммасига юклатилади. Бу эса талабаларни сўз ўрганишга рағбатлантиради, чунки улар танлаган сўз бирикмаларига эътибор берилади [Sadia Y. A., 2000].

Тил аспектларини ўқитишда дедуктив ва индуктив усуллар тавсия этилади; дедуктив методда биринчи мавзу (грамматик қоидалар, янги сўзлар) тушунтирилади ва мисоллар тақдим этилади, ушбу тушунтиришларга асосланиб, ўрганилаётган тилда янги гаплар ва матнлар тузишади. Дедуктив методдан фарқли равишда, индуктив метод талабаларга янги мавзунини ўзлари кашф қилиш имконини беради, яъни бунда улар қоидаларни ўрганиб сўнгра мисолларга ўтиш ўрнига мисоллар билан танишиб, кейин қоидани ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар. Мисол учун, талабалар матнни ўқиб бўлганидан сўнг матндаги ўтган оддий замондаги мисолларни топиш ва улар қандай ясалгани, нима учун ишлатилгани сўралади, сўнгра талабалар муҳокамалардан келиб чиқиб, қоидани ўзлари шакллантирадилар [Harmer J., 2007; 81-82]. Янги сўзларни ўқитишда ҳам бу усуллар самарали ҳисобланади. Айрим мутахассислар тил ўрганишнинг бошланғич даражасида дедуктив методни тавсия қилишса, кейинроқ, яъни тил билишнинг юқорироқ даражаларида индуктив методни тавсия қиладилар,

индуктив метод кўпроқ шахсга йўналтирилгандир. Гарчи индуктив ўқитиш дедуктивдан узоқроқ вақтни талаб қилса-да, кўп ўқитувчилар бунини узоқ муддатли истиқболда талабаларнинг ўзаро алоқаси ва иштироки, талабалар тилни аниқлашда ўз танқидий фикрлашларига таяниши ва талабалар тилни чуқурроқ англаши учун жуда самарали усул деб ҳисоблайдилар [https://www.tefl.com.mx/inductive-and-deductive/ мурожаат санаси 12.12.2020].

Lucinda Davidson янги сўзларни ўқитишда индуктив усулдан фойдаланиш йўллари муҳокама қилади. Унга кўра *сўзни аниқлаш* ёки *элиситинг* (eliciting) “дарс давомида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган, тил ўрганувчини тилни кашф этиш ва тушуниш жараёнида иштирок этадиган услуб”дир. Элиситинг мақсади – ўрганувчиларга ўзларининг эгаллаган ёки интуитив билимларини ифода этишларига имкон бериш орқали, улар билган нарсаларга қўшиб, уларнинг тил қобилиятини оширадиган танқидий фикрлаш орқали ўқув жараёнида иштирок этиш имкониятини беришдир. Элиситинг кўпинча pre-, яъни асосий машқдан олдин ўрганиш учун қўлланилади (ўрганиш пайтида пайдо бўладиган ва дарс босқичларини фаоллаштирадиган сўзлар). Жараёнга талабаларни жалб қилиниши уларнинг ушбу сўзлар маъносини нафақат дарсда, балки ундан ташқарида ҳам қўллай олишга йўл беради. Талабаларнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этишлари учун уларга ўйлаб олиш учун вақт берилиши, агар жавоб беришни хоҳловчи талаба бўлмаса, ўқитувчи томонидан талабаларнинг жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шунини таъкидлаш лозимки, лексикани бошқа тил кўникмалари орқали, улар билан бирга ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

МЕТОДЛАР

Тажриба-синовнинг самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича талабаларнинг ўртача ўзлаштиришларини Студентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда 463 нафар талаба қатнашиб, шундан тажриба гуруҳида 242 нафар талаба ва назорат гуруҳида 221 нафар талаба иштирок этди.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Педагогик тажриба-синов ишларини ташкиллаштиришга қўйилган илмий-методик талабларга кўра, ташкилий-тайёргарлик босқичида тажриба синов майдончалари ва иштирокчилари, педагогик жараён тавсифи белгиланиб, методик ҳамда ташкилий таъминот ишлаб чиқилди. Республикамиздаги учта таълим муассасаси – ЎзДЖТУ, ТерДУ, ЖизДПИ тажриба-синов майдони сифатида белгиланди. Белгиланган барча ОТМлардаги 5111400 – хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналишининг жами 463 та талабаси: ТерДУ талабаларидан 177 нафари, ЖДПИ талабаларидан 179 нафари, ЎзДЖТУ талабаларидан 107 нафари тажриба-синовда иштирок этди.

Илмий кузатиш методи ёрдамида дарс жараёнлари кузатилди. Шу билан бирга, талабаларнинг инглиз тилидаги билимлари, улардаги тил аспекти амалиётининг (коммуникатив лексиканинг) ривожланганлик даражаси,

коммуникатив лексикани ўрганишда учрайдиган типик хато ва қийинчиликлар таҳлил қилинди.


Ташхис ва башорат қилиш (прогноз қилиш) босқичида белгиланган тажриба-синов майдонларида маълумотга эга бўлиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш асосида тажриба-синов мақсад ва вазифалари белгиланди, методик таъминот мавзулари шакллантирилди. Мазкур босқичнинг илк вазифаси малака талаблари, фан ва ўқув дастурлари, ўқув адабиётлар таҳлилидан иборат бўлди.

Ёрдамчи методлардан ёзма сўров методи бутун гуруҳлардаги талабаларнинг қанчалик даражада автаном, мустақил таълим кўникмаларини ривожлантирганлигига ва уларда ўз-ўзини танқидий баҳолаш кўникмасининг шаклланганлиги ҳисобини аниқлашга ёрдам берди. Талабалар ўртасида ўтказилган сўровномада белгиланган барча ОТМлардаги 5111400 – хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналишининг жами 325 та талабаси: ТерДУ талабаларидан 136 нафари, ЖДПИ талабаларидан 117 нафари, ЎзДЖТУ талабаларидан 72 нафари сўровномада иштирок этди.

1-савол: Сиз инглиз тилини мустақил равишда ўргана оласизми?

Бу савол орқали хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналишидаги 1-ва 2-босқич талабаларнинг хорижий тилни қай даражада мустақил ўргана олишлари аниқланди. Бунда 245 нафар (75%) талаба тилни мустақил ўргана оламан деб жавоб берган ва бунга асосий сабаб сифатида 70 та (28, 5%) талаба тил ўрганишга қизиқиши баландлигини, 65 та (26,5%) талаба инглиз тилида бошланғич билимга эга эканлигини, 59 та (24%) талаба мустақил ишлай олиш кўникма ва малакаларига эга эканлигини, 41 та (17%) мустақил тил ўрганиш учун етарли манбалар мавжудлигини ва 10 та (4%) талаба бошқа турли сабабларни кўрсатган (1.4-жадвалга қаранг).

1.4-жадвал.



Хорижий тилни мустақил ўргана олмайман деб 80 та (25%) талаба жавоб берган ва 33 нафар (41%) талаба инглиз тилидан етарли билимга эмаслигини

сабаб қилиб кўрсатган ва бу тилни мустақил ўрганишда қийинчилик туғдиради, деб ҳисоблайди. 30 та (37,5%) талаба ўзига бўлган ишончнинг камлигини, 10 та (12,5%) талаба ёлғиз натижага эриша олмаслигини ва 7 та (9%) талаба бошқа сабабларни кўрсатди (1.5-жадвалга қаранг).

1.5-жадвал.



2-савол талабаларнинг тил ўрганишга дарсдан ташқари қанча вақт ажратишларига қаратилган бўлиб, 252 нафар (77,5%) талаба ҳар куни 1-2 соат, 28 та (9%) талаба ҳафтасига 1–2 соат, 11 (3%) нафар талаба дарсдан ташқари умуман тил ўрганишга вақт ажратмаслигини ва 34 та (10,5%) талаба бошқа, яъни кунига 3 соатдан 6 соатгача вақт ажратишини айтиб, жавоб берганлар.

3- савол хорижий тилни ўрганишда мустақил таълимнинг аҳамиятини акс эттиради ва жами 325 та талабадан 289 таси (89%) жуда муҳим ва 36 (11) нафар талаба ўртача муҳим деб ҳисоблашларини маълум қилганлар.

4-савол қандай дарслик ёки манбаалар тил ўрганишда самаралилиги мазмунида бўлиб, талабаларнинг аксарияти интернет ва электрон дастурларни маъқул кўришини ҳамда Кембридж университети “Пресс” (Cambridge University Press) нашриётининг тил ўрганишга мўлжалланган китобларини афзал деб кўрсатган.

5-6-саволда талабалар ўрганаётган хорижий тилда ўзларининг тил кўникмаларига баҳо бериши ва кучсиз дея белгиланган тил кўникмасига сабаб сўралади. Бунда талабалар энг кучсиз деб ҳисоблаган тил кўникмалари орасида гапириш (speaking – 79 нафар талаба, 24,3%) ва ёзиш (writing – 66 нафар талаба, 20,3%) кўникмаларини белгилаган талабалар кўпчиликлари ташкил қилади. Бу тил кўникмаларининг кучсизлигининг асосий омили сифатида сўз бойлигининг камлиги (lack of vocabulary), етарли машқ қилмаслик (lack of experience) ва ўз устида ишламаслик кўрсатилган. Кейинги ўринларда сўз бойлиги – 53 нафар талаба, 16,4 % (кучсизлигининг асосий сабаблари: етарли машқ қилмаслик, вақтни нотўғри тақсимлаш, хотиранинг панд бериши, мулоқатнинг камлиги); тинглаб тушуниш – 50 нафар талаба, 15,4% (кучсизлигининг асосий сабаблари:

етарли машқ қилмаслик, вақтни нотўғри тақсимлаш); талаффуз – 44 нафар талаба, 13,5 % (кучсизлигининг асосий сабаблари: *сўзни ўрганиш жараёнида талаффузига эътибор қилмаслик, она тилини ўрганилаётган хорижий тилга таъсири, етарлича мулоқот қилмаслик*); грамматика – 19 нафар талаба, 5,8 % (кучсизлигининг асосий сабаблари: *грамматик қоидаларнинг қўплиги ва чалкашлиги, етарли машқ қилмаслик ва вақт ажратмаслик*); ўқиб тушуниш – 14 нафар талаба, 4,3% (кучсизлигининг асосий сабаблари: *сўз бойлигининг камлиги, етарлича вақт ажратиш шугулланмаслик*) томонидан белгиланилган.

7-саволда талабалардан инглиз тилида сўз бойлигини ривожлантиришда самарали бўлиб келган (талабалар самарали деб ҳисоблайдиган) усулларни белгилаш сўралади ва бунда талабалар берилган олтига вариантдан бир ёки бир нечтасини кўрсатиб белгилаши мумкин. Натижалар таҳлил қилинганда маълум бўлдики, энг кенг тарқалган усуллар: талабанинг янги сўзларни бирор-бир вазиятда фойдалангани ҳолда ўрганиши (*learning vocabulary in context*) – жами 325 нафар талабадан 215 та ҳамда сўзларни мисоллар билан ўрганиш – 214 нафар талаба самарали деб кўрсатган. Кейинги ўринда сўзларнинг синоним ва антонимларидан фойдаланиш (132 нафар талаба), сўзни бирор нарса, буюм ёки ҳолатга боғлаб ўрганиш (104 нафар талаба), расмлар ёрдамида ўрганиш (93 нафар талаба) кўрсатилган; энг кам тарқалган усул эса янги сўзларни ҳар хил диаграмма ва чизмалар орқали ўрганишдир (19 нафар талаба). Берилганлардан ташқари, талабалар сўз бойлигини ривожлантиришда сўзларни *доимий такрорлаб туриш, видео- ва аудиоматериаллардан фойдаланиш ва амалиётда қўллаш* улар учун самарали бўлганлигини келтирганлар.

8-савол моҳиятига кўра, талабалардан хорижий тил ўрганишда сўз бойлигини ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган асосий қийинчиликларни келтириб ўтиши сўралади. Талабалар жавобларида қуйидаги асосий қийинчиликлар келтириб ўтилди:

- ўрганган сўзларни амалда қўллай олмаслик (303 та талаба);
- сўзларни эслаб қолишдаги қийинчиликлар, хотиранинг пастлиги (225 нафар талаба);

- дангасалик, етарлича масъулиятнинг йўқлиги (108 нафар талаба);
- сўзларнинг талаффузидаги қийинчиликлар (83 нафар талаба);
- қийинчилик йўқ (3 нафар талаба);

9-саволда 8-саволда келтирилган қийинчиликларни улар қандай бартараф этиб келаётгани ёки қандай бартараф этиш мумкин деб ҳисоблашлари сўралди. Бунда талабалар қўйидаги таклифларни бердилар:

- сўзларни ўрганишга кўпроқ вақт ажратиш ва ўз устида ишлаш;
- хорижий тилда кўпроқ мулоқот қилиш;
- бир мақсадли шерик топиш ва бирга ўрганиш;
- мос ва қизиқарли манбалардан фойдаланиш;
- малакали ва тажрибали ўқитувчилар ёрдамида фойдаланиш ва кабилар.

8- ва 9- саволлардаги жавоблардан хулоса қилиш мумкинки, талабалар автономиясини (мустақиллигини) ошириш долзарбдир. Келтириб ўтилган

жавоблар ва таклиф қилинган ечимлар талабаларнинг ўз вақтини тўғри тақсимлаши, ўз устида мустақил ишлай олиш кўникмасини шакллантириши зарурлигини ва ўқитувчига қарамлик ҳиссини камайтириш кераклигини кўрсатади. Сўз бойлигини оширишда ёрдам берадиган ҳар хил стратегияларнинг (масалан, mnemonic devices – эслаб қолишни яхшилаш учун) ўзлаштирилиши ҳам талабаларнинг тил ўрганиш самарадорлигига катта ҳисса қўшади.

10-савол орқали талабалардан янги сўзни ўрганаётганларида сўзнинг қайси жиҳатларига эътибор қаратишлари сўралади ва берилган тўртта жавобдан 173 (53,2%) нафар талаба фақат биттадан жавобни белгилаган. Улардан 68 нафари янги сўзни амалда қўллаб кўришни, яъни янги сўзни гапда ёки матнда ишлатиб кўришни, 60 та талаба сўзни фақат ёд олишини, 25 та талаба сўз ўрганаётганда, сўзнинг имлосига эътибор қаратишини ва 20 нафар талаба сўзнинг талаффузига эътибор қаратишини билдирган; ваҳоланки, барча жавобларни белгилаган талабалар сони эса 9 нафар бўлиб 2,8% ни ташкил қилади. Берилган тўртта жавобдан иккитадан белгилаган талабалар 83 (25,6%) та ва учтадан белгилаган талабалар 57 (17,5%) та, ҳар хил жавоблар сони 3 (0,9%) тани ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, талабаларга янги сўзларни ўрганишда сўзнинг маъноси ва шаклига эътибор қаратиш кераклиги тавсия қилинади. Сўзнинг маъноси деганда нафақат унинг изоҳига, балки, у сўз билан одатда боғлиқ бўлган сўзларни, сўзнинг коннотациялари, услуби ва маданий ҳослигини ҳам ўрганиш кераклиги тушунилади [Thornbury S., 2002; 15]. Таъкидлаб ўтилганидек, сўзни билиш бу сўз ҳақида бир қанча маълумотни билишни, яъни сўзнинг адабий маъносини, ҳар хил коннотациялари, тўғри ёзилиши ва келиб чиқиши, тўғри талаффузи кабиларни билишни назарда тутати. Афсуски, кўп ҳолларда талабалар сўзни ёд олиш билан чекланиб қолади ва оқибатда сўзни амалда қўллай олмаслик ёки талаффузда ва имлода хатога йўл қўйиш каби вазиятлар пайдо бўлади. Бу эса талабанинг ўзига бўлган ишончини сўндириб, ўрганишга бўлган мотивациясини камайтириб боради.

Амалий дарсларни ташкил этишда ўқитувчилар ҳам тил ўрганишда фойдали ҳисобланган турли усул ва стратегиялар орқали талабада мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириб, такомиллаштириб бориши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, инглиз тили дарсларининг қанчалик шахсга йўналтирилганлиги, бошқача айтганда, ўқитувчиларнинг талабаларга нисбатан шахсга йўналтирилган ёндашувини аниқлаб олиш ҳам тадқиқотимиз учун муҳимдир. Ўқитувчилардан олинган маълумотларни талабалар жавоблари билан қиёслаш учун ўқитувчилар учун сўровнома ишлаб чиқилди.

Сўровномада танлаб олинган учта ОТМлардан 118 та ўқитувчи иштирок этди. Сўровномадаги ўқитувчилар жавобларини қўйида келтирилган баҳолаш

мезонлари бўйича таҳлил қилдик (1.6-жадвалга қаранг).

1.6-жадвал.

Баҳолаш мезони	Ҳеч қачон	Камдан кам	Баъзида	Тез-тез	Ҳар доим
	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл
10-20 балл	Сиз талабаларга бўлган муносабатингизни яхшилашингиз керак. Ўқитувчи сифатида сиз кўпроқ нарсани кўрсатишингиз ва талабаларнинг ўсиши ҳақида қайғуришингиз керак. Яна озгина куч сарфлаб, сиз “шахсга йўналтирилган” ўқитувчи бўлишингиз мумкин.				
20-30 балл	Сизда шахсга йўналтирилган ёндашув ўртача даражада мавжуд. Уни янада ривожлантиришингиз керак.				
30-40 балл	Сизнинг шахсга йўналтирилган ёндашувингиз яхши ва ўқитувчи сифатида ҳам яхши ишляпсиз				
40-50 балл	Сиз талабаларга нисбатан мукаммал шахсга йўналтирилган ёндашувга эгасиз. Офарин!				

Сўровномада иштирок этган ўқитувчилардан 32 нафари (27,1%) 40-50 баллар оралиғида, 75 нафари (63,6%) 30-40 балл оралиғида, ва 11 та ўқитувчи (9, 3%) 20-30 балл оралиғида баллни йиғдилар. Ўқитувчилар томонидан саволномага берилган жавобларга асосланиб айтиш мумкинки, ўқитувчиларнинг катта қисми дарс жараёнларини талабаларга нисбатан шахсга йўналтирилган тарзда ташкил қилади ва олиб боради. Бироқ буни янада ривожлантириш керак, деб ҳисоблаймиз, айниқса, 118 нафар ўқитувчи учун 9,3% кичкина кўрсаткич эмас. Чунки талабаларда мустақил таълим кўникмаларини самарали ривожлантиришда ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсдир. Дарсларда ўқитишнинг мақсади, воситалари, ўрганиш суръати шундай шакллантирилиши керакки, натижада ўша курсда талабалар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ўз усулларидан фойдаланиб турли хил суръатда тил ўрганишлари ва ўзлаштиришлари керак бўлади.

Тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили ва самарадорлик кўрсаткичлари. Танлаб олинган гуруҳларда дастлабки назорат тести олингандан кейин тажриба гуруҳлари дарсларида тил аспектлари амалиёти фани, коммуникатив лексика модули учун ишлаб чиқилган дарс ишланмалари ва дарсдан ташқари мустақил шуғулланиш учун ишлаб чиқилган электрон дастурдан фойдаланилди. Назорат гуруҳларида эса кундалик дарс ўтилди. Синов якунида коммуникатив лексика модулидаги билимларни эгаллашларида тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг назарий билими, амалий кўникма ва малакалари уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларига ҳам сезиларли таъсир қилганлиги аниқланди.

Олинган натижаларига асосланган ҳолда “Инглиз тили ва адабиёти” йўналиши талабалари билан тажриба-синовнинг самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича ўртача ўзлаштиришларини Студентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда 463 нафар талаба қатнашиб, шундан тажриба

гуруҳида 242 нафар талаба ва назорат гуруҳида 221 нафар талаба иштирок этди.

Масаланинг қисқача мазмуни шунда иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири – тажриба гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Олинган натижалар асосида тажриба ва назорат гуруҳидаги талабалар ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланади.

1.6-жадвал.

Тажриба бошида талабалар лексик компетенциясининг самарадорлик даражаси

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари сонда ва фоизда			
		Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
Тажриба гуруҳида	242	66 27,3	67 27,7	56 23,1	53 21,9
Нazorat гуруҳида	221	64 29	55 24,9	49 22,1	53 24

Ушбу жадвалдан тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва талабалар сонини мос равишда X_i, n_i лар ва шу каби назорат гуруҳидагисини эса Y_j, n_j лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, аъло даражани 4 балл билан, яхши даражани 3 балл билан, қониқарли даражани 2 балл билан ва қониқарсиз даражани 1 балл билан белгилаймиз.

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:


$$\begin{cases} X_i & 4; & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 66; & 67; & 56; & 53; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^4 n_i = 242$$

Нazorat гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_i & 4; & 3; & 2; & 1; \\ m_i & 64; & 55; & 49; & 53; \end{cases} \quad m = \sum_{i=1}^4 m_i = 221$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидаги кўринишни олади

(1-расмга қаранг):



Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва n_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик эҳтимоллик

формулалари $q_j = \frac{m}{m_i}$ ва $q_j = \frac{m}{m_i}$ асосида ҳисоблаймиз.

$$\begin{cases} X_i & 4, & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,27; & 0,28; & 0,23; & 0,22 \end{cases}$$

$$\sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

$$\begin{cases} Y_i & 4; & 3; & 2; & 1; \\ m_i & 0,29; & 0,25; & 0,22; & 0,24 \end{cases}$$

$$\sum_{i=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни таҷриба ва назорат гуруҳидаги натижалар бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=4} P_i X_i = 0,27 \cdot 4 + 0,28 \cdot 3 + 0,23 \cdot 2 + 0,22 \cdot 1 = 1,08 + 0,84 + 0,46 + 0,22 = 2,6$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{X}\% = \frac{2,6}{4} \cdot 100\% = 65\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^{n=4} q_j Y_j = 0,29 \cdot 4 + 0,25 \cdot 3 + 0,22 \cdot 2 + 0,24 \cdot 1 = 1,16 + 0,75 + 0,44 + 0,24 = 2,59$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{Y}\% = \frac{2,59}{4} \cdot 100\% = 64,8\%$$

Демак, таҷриба ва назорат гуруҳида талабаларнинг ўртача ўзлаштириши

$(65 - 64,8)\% = 0,2\%$ га тенг экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{65\%}{64,8\%} = 1,003$ га тенг экан.

Бу самарадор чиқиши учун жуда паст кўрсаткичдир. Бундан кўриниб турибдики, тажриба бошида ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган.

Энди тажриба якунида қандай натижаларга эришилганини кўриб чиқамиз (1.7-жадвалга қаранг).

1.7-жадвал.

Тажриба якунида талабалар лексик компетенциясининг самарадорлик даражаси

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари сонда ва фоизда			
		Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
Тажриба гуруҳида	242	95 39,3	67 27,7	65 26,8	15 6,2
Назорат гуруҳида	221	60 27,1	50 22,6	64 29	47 21,3

Юқоридагидек белгилашларни киритамиз ва қуйидагиларга эга бўламиз. Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:


$$\begin{cases} X_i & 4; & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 95; & 67; & 65; & 15; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^4 n_i = 242$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_i & 4; & 3; & 2; & 1; \\ m_i & 60; & 50; & 64; & 47; \end{cases} \quad m = \sum_{i=1}^4 m_i = 221$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидаги кўринишни олади (2-расмга қаранг):

2-расм. Тажриба якунида



Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва n_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик

эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n}{n_i}$ ва $q_j = \frac{m}{m_j}$ асосида ҳисоблаймиз.

$$\begin{cases} X_i & 4, & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,39; & 0,28; & 0,27; & 0,06 \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

$$\begin{cases} Y_j & 4; & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 0,27; & 0,23; & 0,29; & 0,21 \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни тажриба ва назорат гуруҳидаги натижалар бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=4} P_i X_i = 0,39 \cdot 4 + 0,28 \cdot 3 + 0,27 \cdot 2 + 0,06 \cdot 1 = 1,56 + 0,84 + 0,54 + 0,06 = 3$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{X}\% = \frac{3}{4} \cdot 100\% = 75\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=4} q_j Y_j = 0,27 \cdot 4 + 0,23 \cdot 3 + 0,29 \cdot 2 + 0,21 \cdot 1 = 1,08 + 0,69 + 0,58 + 0,21 = 2,56$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{Y}\% = \frac{2,56}{4} \cdot 100\% = 64\%$$

Демак, тажриба ва назорат гуруҳида талабаларнинг ўртача ўзлаштириши

(75 – 64)% = 11% га ошган. Бу эса ўз навбатида $\frac{75\%}{64\%} = 1,17$ баробар ортиқлигини

англатади. Бунда яъни тажрибадан кейин самарадорликка эришилган.

Ўзлаштиришни аниқлаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш мақсадида дастлаб ўртача квадрат ва стандарт хатоликларни аниқлаймиз.

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=4} P_i X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,39 \cdot 4^2 + 0,28 \cdot 3^2 + 0,27 \cdot 2^2 + 0,06 \cdot 1^2 - 3^2 = 0,39 \cdot 16 + 0,28 \cdot 9 + 0,27 \cdot 4 + 0,06 \cdot 1 - 9 = 6,24 + 2,52 + 1,08 + 0,06 - 9 = 9,9 - 9 = 0,9$$

$$S_y^2 = \sum_{j=1}^{n=4} q_j Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,27 \cdot 4^2 + 0,23 \cdot 3^2 + 0,29 \cdot 2^2 + 0,21 \cdot 1^2 - 2,56^2 = 0,27 \cdot 16 + 0,23 \cdot 9 + 0,29 \cdot 4 + 0,21 \cdot 1 - 6,5536 = 4,32 + 2,07 + 1,16 + 0,21 - 6,5536 = 7,76 - 6,5536 = 1,2064$$

$$S_x = \sqrt{0,9} = 0,95.$$

$$S_y = \sqrt{1,2064} = 1,1.$$

Бундан назорат гуруҳи стандарт хатолиги тажриба гуруҳи кўрсаткичларига

нисбатан катта бўлди, яъни $1,1 > 0,95$. Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффицентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100\% = \frac{0,95 \cdot 100\%}{\sqrt{242 \cdot 3}} = \frac{95\%}{15,6 \cdot 3} = \frac{95\%}{46,8} = 2,03\% \approx 2\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{n \cdot y}} \cdot 100\% = \frac{1,1 \cdot 100\%}{\sqrt{221 \cdot 2,56}} = \frac{110\%}{14,9 \cdot 2,56} = \frac{110\%}{38,14} = 2,88\% \approx 3\%$$

Демак, назорат гуруҳи стандарт хатолиги аниқлиги тажриба гуруҳидагидан бир бирликка ортик экан.

Энди иккита бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматларига ўхшашлигини ҳисобга олиб, Стьюдентнинг танланма мезони асосида нолинчи гипотезани текшираемиз: $H_0 : \mu = \mu_y$

Шунга асосан қуйидаги ҳисоблашни бажарамиз:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{3 - 2,56}{\sqrt{\frac{0,9}{242} + \frac{1,2064}{221}}} = \frac{0,44}{\sqrt{0,0037 + 0,0055}} = \frac{0,44}{\sqrt{0,0092}} = \frac{0,44}{0,1} = 4,4$$

Стьюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$K_{x,y} = \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_x^2}{n}\right)^2}{n-1} + \frac{\left(\frac{S_y^2}{m}\right)^2}{m-1}} = \frac{\left(\frac{0,9}{242} + \frac{1,2064}{221}\right)^2}{\frac{\left(\frac{0,9}{242}\right)^2}{241} + \frac{\left(\frac{1,2064}{221}\right)^2}{220}} = \frac{(0,0037 + 0,0055)^2}{\frac{(0,0037)^2}{240} + \frac{(0,0055)^2}{219}} =$$

$$= \frac{(0,0092)^2}{\frac{0,000014}{241} + \frac{0,00003}{219}} = \frac{0,000085}{0,000000058 + 0,00000014} = \frac{0,000085}{0,000000198} = 427,5$$

ушбу эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда $p=1-\alpha=0,95$ га ҳамда эркинлик даражаси $k=427,5$ га тенг. Стьюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси:

$$t_{\frac{1-(1-p)}{2}}(k) = t_{\frac{1-(1-0,95)}{2}}(427,5) = t_{0,975}(427,5) = 1,96$$

Бундан кўриниб турибдики, статистиканинг танланма қиймати критик нуқтадан катта экан. Бундан Стьюдентнинг танланма мезони:

$$T_{x,y} = 4,4 > 1,96 \text{ га тенг.}$$

Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги H_0 нолинчи гипотеза рад этилади. Буни 95 % ишонч билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳларидаги

ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди ва улар ҳеч қачон устма-уст тушмайди.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишончли интервални топамиз:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,95}{\sqrt{242}} = 1,96 \cdot \frac{0,95}{15,6} = \frac{1,862}{15,6} \approx 0,12$$

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{1,1}{\sqrt{221}} = 1,96 \cdot \frac{1,1}{14,9} = \frac{2,156}{14,9} \approx 0,14$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба гуруҳи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

Тажриба гуруҳи учун:


$$3 - 0,12 \leq a_x \leq 3 + 0,12 \quad 2,88 \leq a_x \leq 3,12$$

Назорат гуруҳи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2,56 - 0,14 \leq a_y \leq 2,56 + 0,14 \quad 2,42 \leq a_y \leq 2,70$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $X=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳидаги ўртача баҳолар кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўртача баҳолардан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{Y} = 3$; $\bar{Y} = 2,56$; $\Delta_x = 0,12$; $\Delta_y = 0,14$; га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{3 - 0,12}{2,56 + 0,14} = \frac{2,88}{2,7} = 1,07 > 1;$$

$$K_{\bar{o}o\bar{o}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (3 - 0,12) - (2,56 - 0,14) = 2,88 - 2,42 = 0,54 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

ХУЛОСА

“Инглиз тили ва адабиёти” йўналиши талабалари билан тажриба-синовнинг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди. Хулоса қилиб айтганда, талабаларни сўз бойлигини ўрганиш бўйича самарали стратегиялардан фойдаланишга ўргатиш жуда муҳимдир, ушбу стратегияларни янги сўзларни ўқитишда қўллашдан асосий мақсад – талабаларни ўқитувчиларга қарам бўлмасдан тил ўрганишда мустақил бўлишга ўргатиш ва ўқув жараёнини кўпроқ шахсга йўналтиришдир. Чунки бу тил ўрганувчиларга муваффақият қозонишига ва ўзларининг таълимларини осонроқ ўзлаштиришларига ёрдам беради. Талабалар томонидан берилган жавоблар ва таклиф қилинган ечимлар талабалар вақтини тўғри тақсимлашни, ўз устида мустақил ишлай олиш кўникмасини ва ўқитувчига қарамлик ҳиссини камайтириш кераклигини кўрсатади. Сўз бойлигини оширишда ёрдам берадиган турли хил стратегияларнинг (масалан, mnemonic devices – эслаб қолишни яхшилаш учун) ўзлаштирилиши ҳам талабаларнинг тил ўрганиш самарадорлигига катта ҳисса қўшади. Муҳокама қилинганидек, сўзни билиш – бу сўз ҳақида бир қанча маълумотни билишни, яъни сўзнинг адабий маъносини, ҳар хил коннотациялари, тўғри ёзилиши ва келиб чиқиши, тўғри талаффузи кабиларни билишни назарда тутати. Афсуски, кўп ҳолларда талабалар сўзни ёд олиш билан чекланиб қолади ва оқибатда сўзни амалда қўллай олмаслик ёки талаффузда ва имлода хатолар қилиши каби қийинчиликлар туғилади. Бу эса талабанинг ўзига бўлган ишончини сўндириб, ўрганишга бўлган мотивациясини камайтириб юборади.

Амалий дарсларни ташкил этишда ўқитувчиларнинг тил ўрганишда фойдали ҳисобланган турли усул ва стратегияларни қўллаб, талабада мустақил ишлай олиш кўникмаларини ривожлантириши ва такомиллаштириб бориши мақсадга мувофиқдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Uzluksiz ta'lim tizimining chet tillari bo'yicha davlat ta'lim standartini tasdiqlash to'g'risida”gi 124-sonli qarori (2013.08.05).
2. Akar, N. (2010). *Teaching Vocabulary: Bridging the Gap between Theory and Practice*. Ankara. 144 p.
3. Bartosz, C. *The Rule Of 2 – How Many Words You Should Know* (For Every Language Level). <https://universeofmemory.com/how-many-words-you-should-know/>
4. Bogaards, P. (2001). Lexical units and the learning of foreign language vocabulary. *Studies in Second Language Acquisition*, 321-343.
5. Celce-Murcia, & Larsen-Freeman, D. (1999). The grammar book. *An ESL/EFL teacher's course*.
6. *Chet tillarni o'qitish metodikasi: an'analar va zamonaviylik*. (2010). In Ed. A.A. Mirol'yubova. Obninsk, 464 B.
7. Davidson, L. *Teaching Vocabulary Inductive Approach*. <https://slideplayer.com/slide/14820484/>
8. Ekmekçi, E., & Yaman, I. Developing Lexical Competence through Online Exercises: Evaluations through the Eyes of Students. *The Journal of International Social Research*, 7(31). <https://www.researchgate.net/publication/314364441>

9. Harmer, J. (2007). *How to teach English*. Pearson Education Limited.
10. Henrikson, B. (1999). *Three dimensions of vocabulary development*. Cambridge University Press.
11. Hopkyns, S., & Nicoll, T. (2013). A student-centered approach to vocabulary building using Popplet, Pages and Puppet Pals. *Learning and Teaching in Higher Education: Gulf Perspectives*, 10(2). <http://lthe.zu.ac.ae>
12. Huckin, T., & Coady, J. (1999). Incidental Vocabulary Acquisition in a Second Language. *Studies in Second Language Acquisition*, 21, 181 – 193.
13. Jalolov, J.J. (2012). *Chet tili o'qitish metodikasi*. Toshkent: O'qituvchi NMIU. 430 B.
14. Johnson, A.P., & Rasmussen, J.B. (1998). Classifying and super word web: Two strategies to improve vocabulary instruction. *Journal of Adolescent & Adult Literacy*, 42, 204-208.
15. Lotfi, G. (2007). Learning Vocabulary in EFL Contexts through Vocabulary Learning Strategies. *Novitas-ROYAL*, 1(2), 84-91. https://www.researchgate.net/publication/26490097_Learning_Vocabulary_in_EFL_Contexts_through_Vocabulary_Learning_Strategies
16. Mandy, J.C. (2018). *The Impact of Student-Centered Strategies on Vocabulary Learning in a Foreign Language Classroom*. <https://minds.wisconsin.edu/bitstream/handle/1793/65622/MandyCummings.pdf?sequence=1&isAllowed=y>
17. Nagy, W.E., & Scott, J.A. (2000). *Vocabulary Processes*. https://www.academia.edu/1781320/Vocabulary_processes
18. Nordquist, R. (2019). *Lexical Competence*. <https://www.thoughtco.com/what-is-lexical-competence-1691114>
19. *O'zbekiston milliy entsiklopediyasi*. (2000). Birinchi jild. Toshkent.
20. Riddell, D. (2010). *Teach English as a Foreign Language*. The McGraw-Hill Companies, Inc.
21. Sadia, Y.A. (2000). Learner-centered Vocabulary Building Practice. *The Internet TESL Journal*, 6(12). <http://iteslj.org/Techniques/Ali-Vocabulary.html>
22. Siegel, L. (2020) *How to Teach ESL Vocabulary*. <https://Bridge.Edu/Tefl/Blog/Teach-Esl-Vocabulary/>
23. Thornbury, S. (2002). *How to Teach Vocabulary*. Pearson Education Limited.
24. *Tillarga oid Yevropaning umumiy ma'lumot doirasi: o'rganish, o'qitish, baholash*. (2001). Strasburg, Evropa Kengashi Rus tilidagi versiyasi 2005. 248 B.
25. Ur, P. (2009). *A Course in Language Teaching: Practice and Theory*. Cambridge: Cambridge University Press.
26. Van, L. *How to Use Semantic Maps for Teaching Vocabulary*. <https://vocabularyluau.com/how-to-use-semantic-maps-for-teaching-vocabulary/>
27. Yunusova, Y.B. (2019). Using Mnemonic Methods in Teaching English Language. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(12). <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/55>
28. <http://polydog.org/index.php?threads/the-cefr-scale-and-language-level.26/>
29. <https://learnenglishteens.britishcouncil.org/exams/grammar-and-vocabulary-exams/tips-remember-words>
30. <https://uz.wiktionary.org/wiki/leksikon>
31. https://vocabularyluau.com/wp-content/uploads/2020/04/Semantic_Map_1.png

REFERENCES

1. *On approval of the state educational standard on foreign languages of the system of continuing education*. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 124. 5/8/2013.
2. Akar, N. (2010). *Teaching Vocabulary: Bridging the Gap between Theory and Practice*. Ankara. 144 p.
3. Bartosz, C. *The Rule Of 2 – How Many Words You Should Know* (For Every Language Level). <https://universeofmemory.com/how-many-words-you-should-know/>

4. Bogaards, P. (2001). Lexical units and the learning of foreign language vocabulary. *Studies in Second Language Acquisition*, 321-343.
5. Celce-Murcia., & Larsen-Freeman, D. (1999). The grammar book. *An ESL/EFL teacher's course*.
6. *Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment*. (2001). Strasbourg, Council of Europe. Russian version 2005. 248 P.
7. Davidson, L. *Teaching Vocabulary Inductive Approach*. <https://slideplayer.com/slide/14820484/>
8. Ekmekçi, E., & Yaman, I. Developing Lexical Competence through Online Exercises:Evaluations through the Eyes of Students. *The Journal of International Social Research*, 7(31). <https://www.researchgate.net/publication/314364441>
9. Harmer, J. (2007). *How to teach English*. Pearson Education Limited.
10. Henrikson, B. (1999). *Three dimensions of vocabulary development*. Cambridge University Press.
11. Hopkyns, S., & Nicoll, T. (2013). A student-centered approach to vocabulary building using Popplet, Pages and Puppet Pals. *Learning and Teaching in Higher Education: Gulf Perspectives*, 10(2). <http://lthe.zu.ac.ae>
12. Huckin, T., & Coady, J. (1999). Incidental Vocabulary Acquisition in a Second Language. *Studies in Second Language Acquisition*, 21, 181-193.
13. Jalolov, J. (2012). *Teaching Foreign Language Methodology*. Teacher Publication Press.
14. Johnson, A.P., Rasmussen, J.B., (1998). Classifying and super word web: Two strategies to improve vocabulary instruction. *Journal of Adolescent & Adult Literacy*, 42, 204-208.
15. Lotfi, G. (2007). Learning Vocabulary in EFL Contexts through Vocabulary Learning Strategies, *Novitas-ROYAL*, 1(2), 84-91. https://www.researchgate.net/publication/26490097_Learning_Vocabulary_in_EFL_Contexts_through_Vocabulary_Learning_Strategies
16. Mandy, J.C. (2018). *The Impact of Student-Centered Strategies on Vocabulary Learning in a Foreign Language Classroom*. <https://minds.wisconsin.edu/bitstream/handle/1793/65622/MandyCummings.pdf?sequence=1&isAllowed=y>
17. *Methodology of Teaching Foreign Languages: Traditions and Modernity*. (2010) In Ed. A. A. Miroljubova. Obninsk: Titul. 464 p.
18. Nagy, W.E., Scott, J.A., (2000). *Vocabulary Processes*. https://www.academia.edu/1781320/Vocabulary_processes
19. *National Encyclopedia of Uzbekistan*. (2000). First volume. Tashkent.
20. Nordquist, R. (2019). *Lexical Competence*. <https://www.thoughtco.com/what-is-lexical-competence-1691114>
21. Riddell, D. (2010). *Teach English as a Foreign Language*. The McGraw-Hill Companies, Inc.
22. Sadia, Y.A. (2000). Learner-centered Vocabulary Building Practice. *The Internet TESL Journal*, 6(12). <http://iteslj.org/Techniques/Ali-Vocabulary.html>
23. Siegel, L. *How to Teach ESL Vocabulary*. <https://Bridge.Edu/Tefl/Blog/Teach-Esl-Vocabulary/>
24. Thornbury, S. (2002). *How to Teach Vocabulary*. Pearson Education Limited.
25. Ur, P. (2009). *A Course in Language Teaching: Practice and Theory*. Cambridge: Cambridge University Press.
26. Van, L. *How to Use Semantic Maps for Teaching Vocabulary*. <https://vocabularyluau.com/how-to-use-semantic-maps-for-teaching-vocabulary/>
27. Yunusova, Y.B. (2019). *Using Mnemonic Methods in Teaching English Language*. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(12), <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/55>
28. <http://polydog.org/index.php?threads/the-cefr-scale-and-language-level.26/>
29. <https://learnenglishteens.britishcouncil.org/exams/grammar-and-vocabulary-exams/tips-remember-words>
30. <https://uz.wiktionary.org/wiki/leksikon>
31. <https://vocabularyluau.com/wp-content/uploads/2020/04/SemanticMap1.png>